




ҲАЛОЛ



ҲАРОМ

halol.uz

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМНИНГ ФАРҚИ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят килинади: «Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Одамларга бир замон келадики, унда киши молни нимадан – халолданми ё ҳаромдан олганига парво хам килмайди», дедилар» (Имом Бухорий ва Насоий ривояти).

Шарх: Бу хадиси шариф хам Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг катта мўъжизаларидан биридир. Ушбу хадиси шариф Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг муборак оғизларидан чиккан пайтда кўпчилик мусулмонлар молни халол-ҳаромига карамай олиш деган нарсани умуман хаёлларига хам келтира олишмас эди. Чунки мусулмонман, деган одам факат халол нарсани олиши, ҳаромдан хазар килиши керак. Бу нарса асли саодатдаги мусулмонларнинг фикри-зикри, бутун вужудига сингиб кетган эди.

Аммо асрлар ўтиб, кишилар Исломдан, иймондан узоклаша боргач охир-окибат халол

билин харомни фарк килмайдиган холатга етишди. Кишилар халолни кўйиб харомга ўзини урадиган бўлишди. Мол-дунё тўплаш йўлида хар кандай харомдан, жирканчликдан, пасткашлиқдан тап тортмайдиган бўлишди. Хаттоки, халол бўлишга уринган кишини девоналиқда, аклсизликда айблайдиган даражага етишди. Шундай килиб, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайхи васалламнинг ушбу хадисда айтган гаплари юзага чиқди.

Аслида эса инсонни хайвондан ажратиб турадиган нарсалардан бири хам халол-харомни фарк-лашдир. Дуч келган нарсани суруштирмай ўзиники хисоблаб, ундан фойдаланишга ўтиш хайвонга хосдир. Инсон эса бу нарса халолми, харомми, яъни, фойдалими, фойдасизми, ўзиникими, ўзганикими, буни сўраб-суриштиради. Мусулмон киши эса хар бир нарса шариат рухсат берган тарзда бўлиши кераклигини тўлик тушунган ва масъулиятни сезган холда, хар бир харом нарса катта гунох бўлишига эътиқод килиб яшайди.

Ислом ақидаси бўйича шариатда харом хисобланган нарсани халол санаш кофирикдир. Харомни харом билиб туриб, ундан хазар килмаслик эса, гунохи азимдир. Шунинг учун мусулмон киши нима халол, нима харом эканини яхшилаб билиб олиши ва халол касбни ихтиёр килиши керак.

Мусулмон кишига бирор таом тақдим килинса, хадя берилса ёки у бирор нарсани сотиб олмокчи бўлса, у нарсанинг халол ёки харомлигини сўраб-суриштириб олсин. Чунки бундок нарсалар вазиятга караб гоҳида вожиб, гоҳида харом, гоҳида мандуб ва гоҳида макрух бўлади, дейишади уламоларимиз.

1. Молнинг эгаси харомхўрлиги билан машхур бўлса ёки молининг кўпи харомлиги маълум бўлса, сўраб-суриштириб, харомхўрнинг халол моли ва кўп харом аралашган молнинг халол кисмидан муомала килиш вожиб бўлади.
2. Харомхўрлиги маълум бўлмаган, ўзида харомхўрлик белгиси, аломати хам бўлмаган кишининг молини сўраб-суриштириб, тафтиш килиш эса, беайб мусулмон кишидан харомхўрликда шуб-халаниш бўлгани учун харом саналади.
3. Мол эгасининг харомхўрлиги маълум бўлмаса, аммо унда харомхўрликнинг аломатлари кўринса, у билан муомала килиш жоиз, аммо тарк этган афзал.

Демак, сўраб-суриштириш шубҳага boglik. Бир одам харом мол топиш гунох эканини англаб етди. Кўлида харом аралашган мол бор, бу холда нима килади? Уламоларимиз бундай холда куйидагиларни маслаҳат берадилар:

«Агар харом молнинг жинси ва микдори аник бўлса, ўша аник жинс ва микдорни чикаради. Агар аник бўлмаса, голиб чамасига кўра ажратса хам бўлади. Аммо кўнгли равшан бўладиган даражада ишонч билан чикарса, яна хам яхши.

Кейин ўша молнинг эгасини ёки унинг меросхўрини топиб кайтариб беради. Агар у молнинг муайян эгаси бўлмаса ёки топилмаса, садака килади ёки мусулмонлар оммасига фойда келтирадиган нарсаларга ишлатилади».

Харомдан хазар килиш мусулмонларнинг асосий фазилатларидан бири бўлганидек, шубҳали нарсалардан хазар килиш хам салафи солихларимизнинг одатлари бўлган. Абу

Бакр Сиддик розияллоху анху шубҳали нарсадан бир лукма еб кўйиб, кейин уни кусиб юборганлари маълум ва машхур.

Ривоятларда зикр килинишича, Бишрул Хофий раҳматуллохи алайхга оналари бир дона хурмо берганида еб туриб, кўчага чикиб кайтиб кусиб юборган эканлар. Чунки ўша хурмо шубҳали бўлган. Онани хафа килмаслик учун ейилган, сўнг такво юзасидан кусилган. Иббон ибн Абу Аффош розияллоху анхудан ривоят килинишича, Анас розияллоху анху куйидагиларни айтганлар: «Набий соллаллоху алайхи васалламга: Эй Аллохнинг Расули, «мени дуоси кабул бўладиганлардан килиб кўйинг, дедим. У зот: «Эй Анас, касбингни пок килгин, дуоинг кабул бўлур. Чунки бир одам оғзига бир лукма харомни солса, кирк кунгача дуоси ижобат бўлмайди», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насойи ривояти).

Анас розияллоху анху доимо Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламнинг хизматларини ихлос билан килиб юрганларидан баъзи вактларда ушбу ривоятдагига ўхшаш нарсаларни у зотдан сўрашга журъат килганлар. Албатта, у кишининг бу сафарги сўровлари катта саволлардан эди: «Эй Аллохнинг Расули, мени дуоси кабул бўладиганлардан килиб кўйинг». Хар банда учун дуоси кабул бўладиганлардан бўлиш улкан баҳт. У хар бир мўмин-мусулмон банданинг энг улкан орзуларидан бири.

Албатта, бундок вактда, одатда, Пайгамбар алайхиссаломнинг Аллоҳ таолога дуо килиб, Анас розияллоху анхунинг дуоларини кабул килинадиган этиб кўйишини сўрашлари хаёлга келади. Эҳтимол, Анас ибн Молик розияллоху анху хам худди шу нарсани ирова килган бўлсалар керак. Аммо Пайгамбаримиз алайхиссалом факат Анас розияллоху анхунинг ўзига етадиган эмас, Киёмат кунигача бутун Ислом умматига етадиган жавоб бердилар: «Эй Анас, касбингни пок килгин, дуоинг кабул бўлур. Чунки бир одам оғзига бир лукма харомни солса, кирк кунгача дуоси ижобат бўлмайди», дедилар».

Охирги замон Пайгамбари, Роббил оламийнинг хабиби Мухаммад Амин соллаллоху алайхи васалламнинг ушбу жавоблари умумий коида бўлиб колди. Кайси замон, кайси маконда бўлишидан катъи назар, хар бир мўмин-мусулмон дуоим кабул бўлсин деса, халол касб килсин, ейдиган лукмасини халол килсин. Ана ўшандагина дуоси кабул бўлади.

Пайгамбаримиз алайхиссаломнинг ушбу жавобларидағи: «Чунки бир одам оғзига бир лукма харомни солса, кирк кунгача дуоси ижобат бўлмайди» деган жумлага алоҳида эътибор берайлик. Бундан жуда оз микдордаги харом нарса инсонга илашса хам унинг дуоси кабул бўлмаслиги келиб чиқади.

Бир лукма таом оз нарса, инсоннинг бир марта овкатланиши давомида хам бир лукма хеч нарсани ташкил килмайди. Лекин сиз билан бизнинг назаримизда арзимаган бўлиб кўринган ўша бир лукма уни еган одамнинг дуосини кирк кунгача кабул бўлмайдиган этиб кўяр экан. Эҳтимол, тановул килинган хар бир таомнинг асари инсон жисмидаги кирк кунгача турса керак.

Энди инсоф билан ўйлаб кўрайлик. Хаммамизнинг килаётган касбимиз, топаётган молу мулкимизнинг бари халолми? Хаммамизнинг тановул килаётган хар бир лукмамиз халолми?

Энди нима учун дуолар кабул бўлмаётганини, нима учун ишлар юришмаётганини тушуниб етган бўлсак керак?! Ушбу улуг хадиси шарифга амал килиб, касбимизни пок килишимиз, бир лукма хам харомни оғзимизга олмаслигимиз лозим. Икки дунёнинг баҳт-саодати шундадир.

(“Хадис ва Хаёт”, 11-жуз, 34-38-бетлар).